Рес. китоб палатаси УзССР

# САМИМИЙ ТАБРИК

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жаноби олийларига**

Бизнинг оиламиз Сизга ва оилангизга ушбу ажойиб байрам дўстларингиз ҳамда яқинларингизнинг ҳарорати билан йўғрилишини тилайди.

Саодатли Янги йил истаклари билан

*Our family wishes you and yours a beautiful holiday season filled with the warmth of friends and loved ones, and with the promise of a happy new year.*

**Билл КЛИНТОН** — **Хиллари Родэм КЛИНТОН**

Bill Clinton — Hillary Rodham Clinton

# МИННАТДОРЧИЛИК ХАТИ

Ассалому алайкум, ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ!

Ёшим 75 га яқинлашяпти. Ўтган умримда жуда кўп қийинчиликлар кўрдим. Мана, Мустақил бўлганимизга 6 йилдан ошди. Шу йиллар ичида бизга бўлган меҳрибонлик, эътибор қўлимга қалам тутқазди. Мен айтмоқчи бўлган гапларимни мақтов ёки хушомад деб ўйламанг, юрагимдан, виждоним, имоним буюрган гапларни айтмоқчиман.

Бизнинг ўзбек халқи, айниқса, оддий одамларнинг тушига ҳам кирмаган эди Улуғ манзил Каъбатиллони зиёрат қилишга муяссар бўлиш. Мана шу орзуларга фақат Сиз туфайли эришилди.

Қурилаётган янги уй-жойлар, корхоналарни кўриб, ақл бовар қилмайдиган бойлик топаётганимиздан хурсанд бўлиб кетаман. Ўзимиз ишлаб чиқараётган машиналарни кўрсам бошим осмонга етади. Барча кўп болали оилалар ер участкалари олиб, уни қуриб бемалол яшамоқдалар, ногиронлар эса Сизнинг меҳр-шафқатингизни ҳар доим ҳис этиб турешибди. Бу гапларни давомсиз ёзсам арзийди.

Айниқса, қадриятларимизни тиклаб, улуғ бобомиз Амир Темур ҳақидаги бор ҳақиқатни очганингиз, бугунги озод ҳаётимиз учун курашиб, ўзларини қурбон қилганлар номларини тиклаётганингиз менингча, ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди.

Ўзимни олсак, мен оддий бир кўнчиман. Бу ҳунаримизни илгариги замонда қўрқиб-қочиб, беркитиб қилар эдик. Энди унинг қадри кўтарилиб, юксак баҳо берияпти. Ҳозир 100 дан ортиқ шогирдлар чиқардим, у шогирдлар эса яна юзлаб. 1994 йил Ҳаж сафарига бораман деб ҳалол меҳнат билан пул тўплаган эдим, қарасам, маҳалламизда бирорта масжид йўқ. Мен шу маблағга масжид қурдим, ҳозирда маҳалла аҳли фойдаланмоқда. Маҳалла қабристони ҳам анча хароб эди, уни яхшилаб таъмирлатдим. Энди, Худо хоҳласа бу йил Ҳажга боришга ҳаракат қилаяпман. Фарзандларимнинг ҳаммаси меҳнат туфайли бахтини топишган. Аҳил яшашяпти.

Ҳурматли ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ!

Биз жуда кўп раҳбарларни кўрдик, лекин Сизчалик халқ манфаатини ўйлаб ишлаётган, Сиздек олижаноб инсонни энди кўраяпмиз. Халқимизда бир гап бор «Кимлигингни эл билса бўлди». Эли билган юртбошининг умри узоқ бўлади, иншоолло.

Тилагим — бахтимизга умрингиз узоқ бўлсин. Оила йили бутун республикамизга, ҳар бир хонадонга, жумладан, Сизнинг оилангизга ҳам кўпдан-кўп қувонч, шодликлар олиб келсин.

Ҳурмат ва эҳтиром билан,
Иброҳим МАДАМИНОВ,
меҳнат фахрийси.
Марғилон шаҳри.


*Ватанни севмак иймондандур!*

# ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1998 йил 22 январь, пайшанба ● № 9 (22.246).


# МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛДИ

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Шарқ тароналари» биринчи халқаро мусиқа фестивалини ҳамда Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллик юбилейи тантаналарини ўтказишда алоҳида ўрнак кўрсатган бир гуруҳ ижодкорларни мукофотлаш тўғрисидаги Фармони эълон қилинган эди. Унга кўра Ватанимизда маданият, санъат ва маънавиятни юксалтириш, халқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлаш, юқорида қайд этилган тантаналарни ўтказишни ташкиллаштириш ва тайёрлашдаги хизматлари ҳамда ижтимоий ҳаётда фаол қатнашаётганликлари учун бир гуруҳ санъат фидойилари «Меҳнат шуҳрати», «Дўстлик» орденлари, «Шуҳрат» медали ҳамда «Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби», «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист» фахрий унвонларига сазовор бўлганди.

21 январь куни Маданият ишлари вазирлигида ана шу мукофотларни топшириш маросими бўлди.

Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Ўткир Раҳматов мукофотларни топширар экан, мустақиллик даврида сидқидилдан амалга оширилган ҳар бир хайрли иш, ҳар бир тадбир ўзининг муносиб баҳосини олаётганини қайд этди.

Мукофотланганлар номидан сўзга чиққан Мукаррама Турғунбоева номидаги «Ўзбекрақс» миллий рақс бирлашмаси бош директори Юлдуз Исматова, Аброр Ҳидоятов номидаги ўзбек Давлат драма театри бош режиссёри Баҳодир Йўлдошев, Алишер Навоий номидаги ўзбек Давлат академик катта театри хонандаси Авазхон Ражапов, шоир Усмон Азим ва бошқалар йўлбошчимизнинг мазкур Фармони, яъни улкан тадбирлар ижодкорлари Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланганини мамлакатимизда миллий санъатимизни ривожлантириш тўғрисида қилинаётган доимий ғамхўрликнинг ёрқин далили эканлигини таъкидладилар ҳамда ўзларининг миннатдорликларини изҳор этдилар.

(ЎзА).

# ВАТАН ХАРИТАСИ

Давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китоби жаҳон жамоатчилигида катта қизиқиш уйғотмоқда. Шу боис йўлбошчимизнинг жаҳонда юз бераётган мураккаб муаммоларга ўз муносабати, нуқтаи назари илмий асосда баён этилган бу асари кўпгина хорижий тилларга таржима қилинди. Чунончи, яқинда Хитойнинг «Халқаро маданият» давлат нашриёти томонидан ушбу китоб кўп нусхада чоп этилди.

* * *

Шу кунларда жойларда юртбошимизнинг Олий Мажлис ўнинчи сессиясида сўзлаган нутқида ўртага қўйган вазифалари асосида ижтимоий-иқтисодий ривожланишни янада жадаллаштириш, қишлоқ хўжалигида бозор муносабатларини шакллантириш масалаларига бағишланган йиғилишлар бўлиб ўтмоқда. Жумладан, Андижон, Фарғона, Тошкент ва Хоразм вилоят ҳокимликларида фаолларнинг шу масалалар бўйича йиғилишлари бўлди.

* * *

Халқ депутатлари Наманган вилоят кенгашининг навбатдаги сессиясида ўтган йилги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунлари кўриб чиқилди. Иқтисодиётда, ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг бошқа соҳаларида янгиланишларни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари белгилаб олинди.

Шунингдек, Навоий вилоятида ҳам худди шундай сессия бўлиб ўтди. Унда «Инсон манфаатлари йили тўғрисида»ги дастурни якунлари ҳамда 1998 йилда оила тинчтотувлигини ва ижтимоий ривожланишини таъминлаш вазифалари муҳокама этилди.

* * *

Нукус шаҳар электр алоқа тармоқлари корхонасида Япониянинг «Нек» фирмасида ишлаб чиқарилган замонавий ускуналар ўрнатилмоқда.



Тўрақўрғондаги «Оҳангар» ҳиссадорлик жамияти лимончиси Ғолиба Ўринова.

Турғунбек МАҲКАМОВ олган сурат.

*Менда* ***таклиф*** *бор*

# НУР УСТИГА НУР БЎЛАРДИ

Музейлар фаолиятини яхшилашга қаратилган Фармон қабул қилиниши муносабати билан қуйидаги учта таклифни газетхонлар эътиборига ҳавола қилмоқчиман.

Биринчидан, ҳозирги ва келажак асримиз фан-техника асри эканлигини кўзда тутиб, фан-техника музейларини ва вилоятларда уларнинг бўлинмаларини очиш керак. Бундай музейлар ёшларга касб танлашга ва илм-техника асосларини чуқур ўрганишга ёрдам беради. Бу музейларда дам олиш кунлари олимлар, ихтирочилар, ишлаб чиқариш илғорлари билан учрашувлар ташкил қилиш айни муддао бўларди. Иккинчидан, ҳар бир олий ўқув юртида университет ва институт тарихини, унинг фанни ривожлантириш ва кадрлар тайёрлашдаги ролини, ишлаб ўтган олимларнинг ҳаётини ифодаловчи музейлар ташкил қилиш керак. Бундай музейлар ўрта мактабни тамомлаётган ёшларга касб танлашга ёрдам берган бўларди. Учинчидан, республикамиз музейлари ҳақидаги маълумотнома нашр қилинганига 15 йилга яқин вақт ўтди. Қабул қилинган янги Фармон асосида «Республикамиз музейлари» номли маълумотнома нашр қилиш зарур, деб ўйлайман. Бундай маълумотномада музейлар ҳақида расмли, тўла маълумотлар келтирилиши керак.

Фикримча, музейлар учун нодир ва қимматбаҳо буюмларини тақдим қилган фуқароларга мукофот бериш ҳақида ҳам ўйлаб кўриш керак. Мақолага нуқта қўймасдан олдин яна бир фикр. Музейлар фақат тарихий ёдгорликлар, хилма-хил, диққатга сазовор ёки техника жиҳозларини тўплаш ва сайёҳу меҳмонларга кўрсатиш билан чегараланадиган жой эмас. Уларда ишлаётганлар илмий-тадқиқот ишлари ҳам олиб боришлари, уларнинг якунлари ҳақида нашр қилиниши мўлжалланган музейлар журналида ахборот бериб борилиши керак. Музейларда махсус тасмалар орқали телевизион кўрсатувлар ташкил қилиш айниқса фойдали бўлур эди. Бундан ташқари, бўлажак журналда жаҳон мамлакатларидаги музейлар тарихига оид қизиқарли маълумотлар, бу музейлар ҳозир қандай янги экспонатлар билан тўлдирилаётгани ҳақида ҳам хабарлар бериб борилса, нур устига нур бўларди.

**Ҳикмат СОБИРОВ,**
**иқтисод фанлари доктори.**

# ТАДҚИҚОТЛАР МУСТАҚИЛЛИККА ХИЗМАТ ҚИЛСИН!

20 январь куни Ўзбекистон Фанлар академияси Иқтисод, фалсафа ва ҳуқуқ фанлари бўлимининг йиллик ҳисобот сессияси бўлиб ўтди.

Йиғилганлар, анъанага кўра, илм-фаннинг мазкур йўналишларида тадқиқот олиб бораётган ёш фан докторларининг, республикадаги ижтимоий-сиёсий барқарорликни мустаҳкамлаш, юртимизда янги қадриятлар тизими қарор топиши, миллий иқтисодиётнинг экспортга йўналиши, хусусийлаштириш ва акциядорлик капитали шаклланиши муаммоларининг тадқиқига бағишланган, маърузаларини тингладилар.

Мажлисда бўлимнинг 1997 йилдаги илмий-ташкилий фаолияти ҳақида фикр юритилиб, ҳисобот йилида қўлга киритилган ижобий натижалар қайд этилди, 1998 йилдаги режаларни бажаришнинг аҳамияти ва ишдаги нуқсон ҳамда камчиликларни бартараф этишга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов ташаббуси билан Оила йили, деб эълон қилинган 1998 йилда оила муносабатлари масалалари ижтимоий фанлар тадқиқотчиларининг диққат марказида бўлажаги таъкидланди.

**С. ШЕРАЛИЕВ.**



НИГОҲДАГИ ҚЎШИҚ.

Шавкат АКРАМОВ олган сурат.

# ТЕШИК ТЎРВА

***ёки Бухоро вилоятидаги санацияга тушган айрим хўжаликлар хусусида***

Бундай олиб қаралса, зарарга ишлаётган, иқтисодий жиҳатдан ночор аҳволга тушиб қолган қишлоқ хўжалик корхоналари тешик тўрвага ўхшайди. Нима солсанг, тўрт ёғидан тўкилаверади. Илгари ҳамма бундай ҳолга кўникиб қолгани учунми, ҳеч ким парво қилмасди. Чунки, боқимандалик кечирилар, бир соҳадан кўрилган зарар иккинчи соҳадан олинган бир чимдим фойда билан ёпилиб кетаверарди, вассалом. Аммо, на қозон, на чўмич мой бўларди. Энди-чи, замон ўзгарди, боқимандалик илдизига болта урилаяпти, ҳар ким экканини ўради! Тешик тўрва эса ҳеч кимга керак эмас.

Мутахассисларнинг фикрига қараганда, Бухоро вилоятида ўз аравасини торта олмаётган хўжаликлар 70 га яқин. Тешик халтали бу корхоналар айби билан вилоят бултур давлатга пахта сотиш режасини 85 фоизга бажарди. Режани бажармаган хўжаликлар бу соҳадан 622 миллион сўм зарар кўрдилар.

Хўш, нега бундай бўляпти? Тан олиб айтадиган бўлсак, мустақиллик йиллари даврида вилоятнинг айрим қишлоқ хўжалик корхоналарини иқтисодий билимдан йироқ, боқимандалик балосига мубтало бўлган, иймон қуйса куйсин қозон қайнасинга кўникиб қолган раҳбарлар бошқаришди. Бу ҳолни кўпроқ Шофиркон, Ғиждувон, Когон, Ромитан, Олот, Қоракўл туманларида кузатиш мумкин. Вилоятда раҳбарият ўзгариши билан «алмаштир-алмаштир»га озгина бўлса-да, чек қўйилди. Аммо, ислоҳотларда сезиларли силжиш сезилмаяпти. Бундан фақат оддий деҳқон, қадоқ қўлли меҳнаткаш азият чекаяпти. Олгани олтин бўлмаяпти, қозони кунаро қайнаши мушкул. Вақт эса ортига қарамайди. Маълумки, бултур Ўзбекистон Президентининг Фармойишига мувофиқ қишлоқ хўжалик корхоналарини санация қилиш масалалари бўйича ҳукумат комиссияси тузилган эди.

**Далил ва таҳлил**

Ўз навбатида бундай нуфузли комиссия мазкур вилоятда ҳам ташкил этилди. Комиссия зарар кўрган корхоналар аҳволини обдон ўрганиб чиқди. Ҳозирги пайтда улар сони 59 та деб белгиланди. Таҳлил шуни кўрсатдики, боқимандалик кайфиятидан қутулиш осон кечмаскан. Шу боис хўжаликларнинг тўққизтаси уч йилдан буён, 51 таси икки йилдан бери, 59 таси кейинги бир йилда зарар кўриб ишлаяпти. Фикримизни асослаймиз: Қоровулбозор туманидаги А. Ғиждувоний номли, Пешку туманидаги А. Навоий номли хўжаликларнинг ҳар бири йилни 15-16 миллион сўм зарар билан якунлашди. Тўртта хўжаликда бу кўрсаткич 10-15 миллион сўмни, 12 тасида эса 5-10 миллион сўмни ташкил этяпти. Ёки йилни зарар билан якунлаётган ана шу 59 та қишлоқ хўжалик корхонаси пахтачиликда 222,9 миллион сўм, дончиликдан эса 56,3 миллион сўм ютқазди, дейиш мумкин. Буларнинг барчасининг замирида меҳнатни ташкил эта билмаслик, интизом изидан чиққанлиги, кадрларга нисбатан талабчанлик ўта сусайтириб юборилганлиги яширинган эмасми?

Бир пайтлар барча соҳаларда Қоракўл туманида эмас, балки вилоятда танилган, ўзига хос тажриба мактабига эга бўлган «Бухоро» жамоа хўжалиги кейинги 3-4 йилда ўтириб қолди. Пахта ҳосилдорлиги 1995 йилда 26,5 центнер, 1996 йилда 24,3 центнер бўлган бўлса, ўтган йилда бу кўрсаткич 17,3 центнерга тушиб қолди. Хўжаликнинг 6-бригадасида ҳосилдорлик 5,4 центнерни, 15-бригадасида 6,7 центнерни ташкил этди. 20-бригадада эса 21 гектар майдонга чигит экилиб, 68,9 тонна ўрнига бир килограмм ҳам пахта олинмаганлиги-чи? Бундай ҳолни Қоровулбозор туманидаги А. Ғиждувоний, Жондор туманидаги Алишер Навоий, Когон туманидаги Б. Нақшбанд номли хўжаликларда ҳам айнан кўриш мумкин. Бу хўжаликларда меҳнаткашлар моддий манфаатдорлиги таъминланмай келиняпти, иш ҳақи уларга ҳалигача бериб бўлингани йўқ. Шу боис Когон туманидаги Б. Нақшбанд номли жамоа хўжалиги ўз аъзоларидан қарийб 10 миллион сўм, Жондор туманидаги А. Навоий номли жамоа хўжалиги эса 10,4 миллион сўм қарздорлигича турибди.

Иқтисодий ночорликнинг яна бир сабаби, — дейди вилоят иқтисодий ночор корхоналар ишлари бошқармаси бошлиғи И. Жўраев, — дебиторлик маблағларининг узоқ вақт оборотдан четда қолиб кетаётганлигидир, Когон туманидаги Б. Нақшбанд номли жамоа хўжалиги 1995 йилнинг декабрида «Нур» фирмасига 2122 сўмли вексель ўтказган. Аммо, маблағ ҳалига қадар хўжаликка қайтарилмаган. Вилоятда санацияга тушган хўжаликларнинг дебиторлик қарзлари кўпайиб боряпти. Ҳозирги пайтда кредиторлик ва дебиторлик қарзлари салмоғи 2554,6 миллион сўмни ташкил этаётир.

Бошқарма бошлиғининг таъкидлашича, вилоятда хўжалик фаолиятини катта зарар билан якунлаган саккизта қишлоқ хўжалик корхонасига санация бериш тавсия этилган. Санация бу мурувват эмас, балки мадад ва ишонч эканлигини ўша хўжалик раҳбаридан тортиб, оддий меҳнаткашгача тушуниб етсагина, иқтисодиёт тўрваси бутун бўлади. Бунинг учун туманлар ҳокимликларидаги мутасадди ўртоқлар меҳнатни, ишлаб чиқаришни йўлга қўйишнинг янги усулларини қўллаш, жумладан, бошқарувнинг пайчилик ижара усулларига ўтишида амалий кўмаклашишлари, минглаб кишилар турмуши фаровонлиги учун ўзларига билдирилган ишончни оқлашлари даркор. Давр ҳам ҳаммамиздан худди шуни тақозо этяпти.

**Даврон БАҲРОНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

# ТЕСТ – АДОЛАТНИНГ ХОЛИС МЕЗОНИ

***Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, ижтимоий ва сиёсий ҳаётимизда кўплаб ютуқларга эришилди. Дунё миқёсидаги тараққиёт ислоҳотлари, тажрибалари мамлакатимиз ҳаётига ҳам татбиқ этила бошланди. Ана шундай ютуқлардан бири республикамиздаги олий ва ўрта махсус ўқув юртларида кириш имтиҳонлари тест синов усулида жорий этилиши десак, муболаға бўлмас.***

***Қуйида — Ўзбекистон Республикаси Давлат тест маркази директори Муҳсинжон Мўминович Муҳитдинов билан бўлган суҳбатда тест синови тажрибалари, самараси, муваффақиятлари хусусида фикр юритилади.***



— Тест синовларининг барча ривожланган мамлакатларда татбиқ этилиши, унинг энг самарали воситалигини кўрсатади. Ёдингизда бўлса, тест синовлари илк бор 1992-93 йилларда Президентимиз ташаббуси билан республикамизнинг бир нечта олий ўқув юртларида ўтказилди. Ана шу тажриба бу синов усулининг адолат мезонини ўрнатишдаги энг холис имконият эканлигини кўрсатди. Шундан сўнг тест синовлари республикамиздаги барча олий ва ўрта махсус ўқув юртларида жорий этилди. Бундан кўзланган ягона мақсад имкон борича иқтидорли ёшларни танлаш, ўқувчи қобилиятини холисона баҳолашдир. Ва шуни ишонч билан айтиш мумкинки, бу йилдан йилга ўз самарасини бера бошлади. Буни ўқув юртларига қабул қилинаётган талабаларнинг ижтимоий аҳволига қараб ҳам билса бўлади. 1997 йилда қабул қилинган талабаларнинг 45 фоизи ишчи-хизматчиларнинг фарзанди, қолган фоизини зиёлилар, ўқитувчи, муҳандис ва ҳ.к. оиласи ташкил қилади.

Энди, тест синовларининг олдинги анъанавий имтиҳонлардан фарқи ва афзаллигига тўхталсак. Олдин имтиҳон фақат учта саволдан иборат бўлиб, баҳони ўқитувчи ўзининг субъектив хулосаларидан келиб чиққан ҳолда қўярди. Аввало, ўқувчининг ўқиган фанларидан эгаллаган билим доирасини фақат учта савол билан тўкис баҳолашни ўзи катта муаммо. Бу орада ўқитувчига абитуриентнинг гапириши, муомаласи, ўзини тутиши ёқмаслиги мумкин. Ҳар ҳолда ўқитувчи субъект, баҳолаш жараёнида ҳам у бундан чиқиб кета олмайди. Тест синовлари эса буни бартараф этади. Унда ҳеч қандай субъектив фактлар аралаша олмайди. Баҳони компьютер чиқаради. Ўзаро тушунмовчиликларга имкон ҳам туғилмайди.

Бундан ташқари уч саволнинг ўрнига 108та савол қўйилган. Бу ўқувчининг билимини баҳолашда, унинг мустақил фикрлашига катта имконият яратади.

**— Муҳсинжон Мўминович, масаланинг яна бир томони, бугун тест ахборотлари кўплаб нашр қилинмоқда ва эътибор бериш мумкинки, кўпгина абитуриентлар жавобларни ёдлаш билан банд бўладилар.**

— Тест саволларини ёдлаш жуда мураккаб. Чунки саволлар 4 мураккаблик даражаси — билим, хотира, қобилият ва мустақил фикрлаш босқичларига асосланиб тузилади. Бошқача қилиб айтганда, маълум бир фаннинг ҳар бир кичик бўлимларигача тестда ўз ифодасини топади. Яъни, учинчи, тўртинчи босқичда ўқувчи ёд олган нарсасини эмас, айнан ўз қобилиятини, фикрлаш имкониятини ишга солгандагина ютиши мумкин.

Биз икки йилдирки кўп вариантли тест усулларига патент гувоҳномасини олдик ва уни амалда татбиқ этмоқдамиз.

Кўп вариантли тизимнинг икки ёки уч вариантли тизимдан фарқи шундаки, унда ҳамма фан бўйича саволлар бир неча минг атрофида тузилади. Бу саволлар савияси турли даражада бўлиб, ўзимиз ишлаб чиққан махсус кўп вариантли компьютер дастури бўйича шу саволлардан парча-парча олиниб, махсус янги вариант яратилади. Бу вариантнинг савия даражаси бошқа вариантлардаги билан тенг. Масалан, саволлар 3 та учинчи даражали мураккабликлардан олинса, 5 та тўртинчи даражали мураккабликдан олинади. Савия даражаси шу туфайли тенглашади. Худди шундай пропорционал равишда ҳар хил бўлимлардан саволлар олиниб, янги вариантлар тузилади. Шу тариқа фаннинг доираси бўйича ва мураккаблик даражаси бўйича компьютерга неча минг савол тушган бўлса, ўшандан ўзи танлаб, вариантларни чиқариб бераверади. Бу вариантлар аудиторияларга жўнатилади ва абитуриент унга қандай вариант тушишини билиш имкониятига эга ҳам бўла олмайди.

Масалан, икки вариантлида 108 та савол бўладиган бўлса, уни ёд олиш мумкин бўлгандир. Лекин, ҳозир тест жамғармасидаги 40 минг саволнинг жавобини олиб кетиш мумкин бўлмаган нарса. Бунинг устига бу вариантларни машина ҳар сафар ҳар хил шаклда беради. Янги кўп вариантли тест тизимига олган патентимиз бизга анчагина имкониятлар яратиб берди. Масалан, абитуриентлар бир биридан кўчира олишмайди. Ёки кимнингдир битта вариантни ёзиб келиб, аудиторияга тарқатишига ҳам имкон йўқ.

Шундай тажрибалар боис, тест жамғармаси йилдан-йилга бойиб бормоқда. Бу йил мавжуд 40 минг саволга яна 20 минг савол қўшиладиган бўлди. 1998 йилги «Ахборотнома» нашрини чиқаришга киришдик. Англаганингиздек, ёдлаб олиш билан қаноатланмоқчи бўлган абитуриентлар учун ҳеч қандай имконият қолмаяпти.

**— Агар абитуриент имкониятларини ҳисобга оладиган бўлсак, яъни, қабул имтиҳонларидаги саволлар ўрта мактаб билим доирасига асосланиб тузиладими ёки ўқувчидан мактаб доирасидан ташқаридаги адабиётларни ҳам билиши талаб этиладими?**

— Албатта, ўқувчи мактаб доираси ёки ўрта таълим дастуридан ташқари адабиётларни ўрганса, бу шаксиз унинг ютуғи, ўз имкониятларини кўпайтирган бўлади. Лекин, биз бу тест саволларини тузишда асос қилиб белгиланган таълим стандартини ва ўрта таълим дастурини оламиз. Айнан шу доирадан четга чиқмаган ҳолда тест саволлари тузилади. Бундан ташқари бирорта савол шу доирадан чиқса, дарҳол абитуриентлар ўз норозиликларини билдириш ҳуқуқига эгалар.

**— Тест синовларига амалий жиҳатдан ёндашадиган бўлсак, ҳақиқатга ва холисликка шубҳа туғилиши мумкин эмас. Аммо «эл оғзига элак тутиб бўлмайди» деганларидек, баъзан у «гаплашган» ёки «танишбилишсиз» киришнинг имкони йўқ каби гапларни ҳам эшитиб қоламиз. Шу маънода тестга бўлган холис муносабатни ривожлантириш, унга нисбатан халқ ишончини янада мустаҳкамлаш учун нималар қилиш керак деб ўйлайсиз?**

— Дарҳақиқат, бу энг муҳим ва шу билан бирга энг оғриқли нуқта. Оғриқлилиги шундаки, ўзингиз шоҳид бўлиб турган ҳақиқатга кимнингдир ишончсизлик назари билан қараши жуда оғир. Ўйлашимча, баъзи одамларда тест усуллари қай тарзда ўтказилиши ҳақидаги тасаввур жуда ибтидоий ёки шу тасаввурнинг ўзи йўқ. Ваҳоланки, тест усули бутунлай инсон иштирокини чеклайди. Ҳатто, аудиторияга қайси ўқитувчи киритилишини ҳам машинани ўзи белгилаб беради.

Айтиш мумкинки, бу ерда фақат абитуриент ўз-ўзига имтиҳон топширади.

Имтиҳон олиш жараёнини ҳар бир фуқарога индивидуал тарзда кўрсатишнинг имкони йўқ. Шундай экан, бу борада оммавий ахборот воситаларидан, телевидение ва радиодан кенг фойдаланиш керак, деб ўйлайман.

Кейин сиз айтган «миш-миш» гаплар асоссиз равишда ёки ўз-ўзига ишончсизлик оқибатида туғилади. Тест марказига апелляция учун мурожаат қилган абитуриентларда эса буни аксини кузатиш мумкин. Улар ўз хатоларини англаб етишгач, билим ва қобилият бўлса, албатта олий ва ўрта ўқув юртларига кириш мумкин эканлигига ишонч ҳосил қилиб кетадилар.

Ўтган йилги тест синовларидан сўнг, марказимиз республикамизни турли вилоятларидан кўплаб миннатдорчилик мактубларини олди. Уларда абитуриент-талабалар тест синовига бўлган холис ишончларини баён этишган. Шунингдек, тест маркази нашрдан чиқараётган «Ахборотнома»лар самарали ёрдам берганини ёзишади.

**— Дарвоқе, Муҳсинжон Мўминович, ана шу нашрдан чиқаётган «Ахборотнома»лар абитуриент муваффақиятининг тўлиқ гарови бўла оладими?**

— Ўтган йили «Тест синовларига қандай тайёрланиш керак» абитуриентлар учун услубий тавсиялар журналини нашрдан чиқардик. Унда «Ахборотнома»лардан фойдаланиш ва тест синови ҳақида батафсил ҳикоя қилинади.

«Ахборотнома»даги саволлардан қатъи назар аввало абитуриент ўз билимига ва қобилиятига ишониши керак, деб ўйлайман.

«Ахборотнома» эса ана шу билим ва қобилиятни тўғри йўналтирадиган бир восита.

**— Тест марказининг халқ таълимидаги аҳамияти қандай?**

— Беқиёс. Тест усули республикамиздаги халқ таълимининг аксини чизиб беради, десак янглишмаймиз. У ёрдамида республиканинг вилоятларидаги қайси бир мактаб қандай фанлардан оқсаётганини, таълим жараёни неча баробар суст эканлигини қиёсий даражада кўрсатиб бериш мумкин. Тест маркази халқ таълимининг мониторингини яратиб беради. Унинг олдидаги муаммоларни ва ожиз нуқталарини очиб ташлайди. Шунингдек, тест орқали йилдан йилга бўлаётган самарадорлик ёки сусткашлик сабабларини ҳам очиқ-ойдин ёритиш мумкин. Айниқса, «Тест якунлари» аналитик китобимиз республикамиздаги халқ таълимининг аҳволи ҳақида, вилоят ва туманлардаги таълим жараёнининг самарадорлик натижалари ҳақида беқиёс ахборотлар беради.

Менимча, бугун халқ таълимини ривожлантириш кетаётган бир пайтда тест марказининг хулосаларидан фойдаланиш, уларни кенг татбиқ этиш унумли натижага олиб келади.

**— Бугун олий ва ўрта таълим ўқув юртларига қабул қилишда грант ўринлар билан шартнома асосида қабул қилишга ҳам кенг ўрин берилди. Бироқ, шартнома асосида имтиёзли баллар билан қабул қилинган абитуриентлар кадрлар тайёрлашдаги талабларга жавоб берармикан?**

— Бу йил 21 минг грант ўринлар билан бир қаторда 21 минг шартномали ўринлар қабули режалаштирилган эди. Синов натижаларида шартномали ўринлар 125 фоизга кўтарилиб, ёшларнинг билим олиш имконияти кенгайтирилди.

Шартномали ўқишларнинг афзаллиги нимада? Маълумки ўқиш тугагач, кадрлар учун иш муаммоси ҳам кўндаланг туради. Шартнома билан кирган абитуриентларда эса бу муаммо йўқ. Уларнинг сарф-харажатларини ва кейинги иш фаолиятларини ҳам ҳомий корхона ўз зиммасига олади. Кадрнинг стандарт талабларига жавоб бериши хусусида тўхталадиган бўлсак, бугун саводсиз кадрларни ўқитишдан, уларга ҳомийлик қилишдан корхонага ҳам наф йўқ. У бундан зарар кўриши мумкин. Шундай экан, бўлғуси мутахассис ҳам шуларни инобатга олиб, таълим олишга мажбур.

**— Суҳбатимиз сўнгида бўлғуси абитуриентларга қандай тилаклар билдирасиз?**

— Тилагим — ҳамиша ўз билимлари ва қобилиятларига ишонишсин. Бугун республикамизга иқтидорли кадрлар жуда зарур.

Замонавий даражадаги кадр бўлиш учун юксак ва чуқур билим талаб этилади. Ўзбекистон ёшларининг билимга чанқоқлиги ва тиришқоқликларига ишонаман. «Ахборотнома» билан пухта тайёрланинг.

Ишончим комилки, омад сизга ёр бўлади.

**«Ўзбекистон овози» мухбири Малик МАНСУР суҳбатлашди.**

## Ўзбекистон Республикаси Давлат тест маркази

- ☑ *Тест синов усуллари барча ривожланган мамлакатларда амалда.*
- ☑ *1997 йилда ўқишга қабул қилинган талабаларнинг 45 фоизини ишчи-хизматчиларнинг фарзандлари, қолган қисмини зиёлилар оиласидан чиққан ёшлар ташкил этади.*
- ☑ *Тест усулида баҳолаш жараёнида ҳеч қандай субъектив омиллар таъсир ўтказа олмайди.*
- ☑ *Тест саволлари 4 мураккаблик даражаси — билим, хотира, қобилият ва мустақил фикрлаш босқичларига асосланиб тузилади.*
- ☑ *Икки йилдирки, кўп вариантли тест усулларига патент гувоҳномаси олинган ва у амалда татбиқ этилмоқда.*
- ☑ *Бу йил мавжуд 40 минг тест саволига яна 20 минг янги савол қўшиладиган бўлди.*






## РЕСПУБЛИКА ВИЛОЯТЛАРИ БЎЙИЧА САМАРАДОРЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИ
**(Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, таълим тили — ўзбекча)**












## НАТИЖАСИЗ МУЗОКАРАЛАР

*Буюк Британия Бош вазири Тони Блэрнинг Олстер католик партияси йўлбошчиси Жерри Адамс билан ўтказган музокаралари кутилган натижани бермади.*

*Шимолий Ирландиянинг Бирлашган қироллиқдан ажралиб чиқиши учун курашаётган католик-республикачилари Британия—Ирландия ҳукуматларининг Олстер бўйича ишлаб чиққан қўшма дастурини қатъиян рад этди. Мазкур дастур Олстер билан Бирлашган қироллик ўртасидаги сиёсий-иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш ҳамда Ирландиянинг ушбу ҳудудни ўз таркибига қўшиб олишдан воз кечишини кўзда тутган эди.*

## ОСМОНЎПАР БИНОДА ЁНҒИН

*Сянган (собиқ Гонконг) марказидаги осмонўпар биноларнинг бирида содир бўлган кучли ёнғин оқибатида 3 киши ҳаётдан бевақт кўз юмди. Ўт ўчирувчиларнинг тезкор ҳаракати туфайли 30 киши қутқариб қолинди.*

*1996 йили ҳам Сянган марказидаги ана шундай кучли ёнғин 40 кишининг ўлимига сабаб бўлганди.*

## ЯНА НОМЗОДИ ҚЎЙИЛДИ

*Индонезия Президенти Сухартонинг шу йил март ойида бўлиб ўтадиган президент сайловига ўз номзодини қўйиши маълум бўлди. Бу ҳақда Президент Сухарто билан учрашганидан сўнг, мамлакат парламенти раиси Хармоко хабар берди.*

*76 ёшли Сухарто бу гал ҳам сайловда ғолиб чиқса, бу унинг кетма-кет еттинчи бор Президент лавозимини эгаллаши бўлади.*

## СИЁСИЙ ИҚЛИМ

***Гондурас ва Салвадор чегара минтақасида яшовчи аҳолининг ҳуқуқлари ва мулкини муҳофаза қилиш бўйича шартнома имзоладилар.***

* * *

***Милород Додикнинг Сербия Республикаси президентлигига сайланганини АҚШ ҳукумати қўллаб - қувватлади.***

* * *

***Янги Зеландияда оролдаги вазиятни барқарорлаштириш бўйича музокараларнинг янги босқичи бошланди.***

* * *

***Франция Ироқни БМТнинг Ироқдаги муаммоларни ҳал этиш комиссияси билан ҳамкорлик қилишга чақирди.***

* * *

***Британия Бош вазири Тони Блэр расмий сафар билан Нидерландияда бўлди.***

* * *

***Чехияда янги президентлик сайловлари бўлиб ўтди. Ғалабага эришиш имкониятлари энг кўп номзодлардан бири Вацлав Гавелдадир.***

# 1. ЭНГ ВА ЧАНГЛАР ТАҚДИРИ

Турфа олам, турфа одам




### ёхуд ғайритабиий туғилишлар ҳақида

ДУНЁ жонзотлари орасида одам ҳар томонлама етук ва буюги ҳисобланади. Кўпайиш, насл қолдириш хусусиятига кўра эса якка насл берувчилар туркумига киради. Бироқ бу тартиб бузилмас қоида эмас. Тиббиётда шу нарса аниқланганки, 85 та туғилишга битта эгизак тўғри келади. Уч, тўрт, олти ёки ундан ҳам кўп эгизакларнинг туғилиши камдан-кам рўй берадиган воқеа бўлса-да, Нигерия бундан мустасно. Бироқ кўп фарзанд кўриш ҳар бир давлатда ҳам учрайди. Чунончи, XIX асрда россиялик деҳқон аёл умри давомида 27 марта эгизаклар туққан, яъни 16 марта икки эгизак, 7 марта уч эгиз, 4 марта тўрт эгизак, жами 69 нафар фарзанд кўради. Ёки шу кунларда Чилидаги қишлоқлардан бирида яшаётган Леонтина Эспинозани олиб кўрайлик. У ҳозир 65 ёшда. Қизиғи шундаки, 63 ёшида етмиш тўртинчи фарзандига кўзи ёриган.

Эспиноза 17 марта одатдагича — якка-якка, 12 марта эгизак, 11 марта уч эгизак туққан.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бугунги кунда ким нечта эгизак туғишидан қатъи назар ўша оила кўпгина мамлакатларда давлат муҳофазасида бўлади. Бироқ қадимда...

Масалан, Япония оролларининг туб аҳолиси бўлмиш айнилар эгизаклар туғилишини ёқтиришмаган. Дунёга энди келган бу «шумқадамлар» қандайдир тузалмас касалликлар олиб келади, деб она ва болаларни юртдан ҳайдаб чиқаришган. Ўрта асрларда ҳам эгиз туққан аёлларга бошқача кўз билан қарашган, яъни бу аёл шайтон билан алоқада бўлган, дея уни чақалоқлари билан ўтда ёндиришарди. XV асрда Испанияда бундай «тадбир»ни ўтказиш учун ҳатто қирол махсус фармойиш эълон қиларди.

ЭГИЗАКЛАР туғилиши учун шайтон билан алоқада бўлиш шарт эмаслигини бугунги кун тараққиёти илмий асосланганини барчамиз биламиз. Яъни аёлнинг хайз кўриш жараёнида биргина тухумдон етилиши одатий ҳол. Бироқ гормонлар (ички секреция безларидан ажралиб, қонга қўшиладиган модда) фаолиятининг бузилиши натижасида аёлларда икки-учтадан, ҳатто кўплаб тухум ҳужайралар етилиши мумкин ва агар улар уруғланса, эгизаклар туғилади.

Уларнинг жинси кўпинча турлича бўлиши, ташқи кўриниши ҳамда ирсий белгилари бир-бирига умуман ўхшамаслиги, булардан кўра ака-сингиллар бир-бирига кўпроқ ўхшаши мумкин. Бундайларни алоҳида тухумдонли эгизаклар дейилади.

Бошқа бир ҳолатларда эса уруғланган тухумхужайра аввал иккига, сўнг эса кўплаб хужайраларга бўлинади ва уларнинг ўзаро алоқаси узилади. Натижада уларнинг ҳар бири алоҳида эгизакларнинг дунёга келишига замин яратади. Шуни таъкидлаш жоизки, тухумдон уруғлангандан сўнг 2 — 3 кеча-кундуз ўтгач, яъни эмбрион 2 тадан 8 тагача хужайрадан ташкил топгач, алоҳида қисмларга бўлиниши мумкин. Бироқ кўпинча бу жараён 5 — 7 кундан сўнг, яъни эмбрион таркиби 100 та хужайрадан ошгач, юз беради. Худди шу пайтда эмбрионнинг бўлиниши тўлиқ амалга ошмай қолиши ҳам мумкин. Натижада майиб ва мажруҳ ёки сиём эгизаклари туғилади.

Маълумки, бир тухумдондан пайдо бўлган эгизаклар нечта туғилишидан қатъи назар, уларнинг барчаси бир жинсли, қон гуруҳи ҳам бир хил, ташқи кўриниши ҳам айнан бир-бирига ўхшаш бўлади. Бу ўхшашлик нафақат уларнинг ташқи кўринишида акс этади, балки физиологик характеристикаси ҳам айнандир. Агар эгизакларда ўхшашлик кузатилмаса, бунга сабаб эмбрионлардан бири она қорнида ноўрин жойлашганлигидандир.

СИЁМ эгизаклари бир тухумдонли эгизаклардир ва шунинг учун ҳам улар доим бир жинсли туғилишади.

Хўш, нима учун улар сиём эгизаклари дейилади?

Гап шундаки, ўтган аср бошларида Бангкокдаги Сиём қироллигида Энг ва Чанг деган туташ эгизаклар туғилади ва бу шов-шув бутун дунёга тарқалади. Ўшандан бери туташ эгизаклар сиём эгизаклари деб юритилади. Энг ва Чангларнинг асли келиб чиқиши хитой миллатига мансуб бўлиб, уларнинг кўкрак қафаслари бир-бирига туташиб кетган, бироқ ёнма-ён ҳолатда ҳам тура олишарди. Шунинг учун бемалол юрар ва жисмоний меҳнат билан ҳам бемалол шуғулланишарди. Уларни ўсмирлик давридаёқ текшириш ва илмий кузатиш учун АҚШга олиб кетишган.

32 ёшидан бошлаб улар фермерлик билан шуғулланишади ва шундай қилиб ўз тақдирларини ўзлари яратишади. Туташ бўлишига қарамай ҳатто уйланишади ҳам, яъни америкалик руҳонийнинг икки қизи билан тақдирини боғлашади. Оила серфарзанд бўлади. 22 фарзандга оталик қилишади.

Энг ва Чанг меъёрий умр кўрган биринчи туташ эгизаклар эди. Улар 63 йил ҳаёт кечиришади. Бирининг ўпкаси шамоллаб касалланиши улар ҳаётига нуқта қўяди: бирин-кетин оламдан кўз юмишади. Улар ўлими орасидаги фарқ 2 соатни ташкил этади.

СИЁМ эгизакларининг туташуви турлича, аммо одатда тананинг симметрик қисмлари туташган бўлади. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, тана туташувининг бир неча биологик турлари мавжуд. Энг билан Чангнинг туташуви эса торопопаг, яъни гавда қисмининг бирикишидир. Бундай бирикув ҳаётда кўпроқ учрайди. Пигопаглар, яъни думба қисмининг бирикуви эса торопопагга қараганда тўрт марта кам учрайди. Ишиопаглар — думғазалари туташган эгизаклар жуда камдан-кам туғиладилар. Фақат сиём эгизакларининг 50 дан бирини краниопаглар, яъни бош қисми туташган эгизаклар ташкил этади. Худди шундай эгизаклар бундан 30 йил муқаддам ленинградлик тиббиётчилар томонидан илмий кузатилган.

**Хорижий манбалар асосида Зулҳумор СУЛТОНОВА тайёрлади.**

***Швецияда Баренц-Евроарктика минтақаси кенгашининг бешинчи сессияси ўз ишини якунлади. Сессияда ўзаро ҳамкорликни кучайтириш, Европа ва дунё сиёсатининг асосий муаммолари муҳокама этилди. Болтиқбўйи ва Европанинг шимолий-ғарб минтақаларида ўзаро ишончни мустаҳкамлаш масалалари ҳам кўриб чиқилди.***

* * *

***Россия Қуролли Кучлари бош штаби бошлиғи Анатолий Квашниннинг Кичик Осиё давлатларига расмий ташрифи давом этмоқда. У Вьетнамда бўлиб, бир қатор ҳарбий объектларни бориб кўрди. У Вьетнам мудофаа вазири, генерал-полковник Фам Ван Ча ҳамда Вьетнам Қуролли Кучлари бош штаби бошлиғи Дао Чонг Ли билан учрашди. Квашнин Вьетнамдан кейин Лаосга келди.***

## БУ САФСАТА ЭМАС

* * *

***АҚШнинг БМТдан қарзи 1,3 миллиард долларга етди. Нью-Йорк адвокатлар уюшмаси бу қарзни тезроқ узиш зарур, деб ҳисоблайди. Уюшма Президенти ва Конгресс раҳбарларига шу мавзуда хат йўллаган.***

* * *

***Жанубий Корея Президенти Ким Дэ Жун мамлакат фуқароларининг иқтисодий таназзул оқибатларини сабрбардош билан енгишга чақирди. Давлат раҳбари, бу йил оғир синовлар йили бўлади, мамлакатда бир миллион иш ўринлари қисқаради, пул инфляцияси кучаяди, деб айтган.***

* * *

***Хитой ва АҚШ денгизда тасодифий ҳарбий тўқнашувларга йўл бермайдиган ҳамда икки мамлакат ҳарбий маҳкамалари алоқаларини кучайтириш ҳақида шартнома имзолади.***

* * *

***Парижда ишсизликка қарши ва ягона Европа валютаси — еврони тезроқ жорий этиш чақириғи билан оммавий намойишлар бўлиб ўтди. Унда 20 мингга яқин киши қатнашди.***

* * *

***Расмий маълумотларга кўра, Исроилда ишсизлар сони 153 минг кишига етди. Шаҳарларда ишсизлик 13-15 фоизга ошган. Унинг асосий қисмини МДҲ давлатларидан борганлар ташкил этади.***

* * *

***Россия фуқароси Елена К. Перу халқаро аэропортида самолётга 41 килограмм кокаин-гиёҳвандлик моддасини олиб чиқаётганда тўхтатилган.***

* * *

***Расмий маълумотларга қараганда, Россия шахталарида 1996 йилда 172, 1997 йилда 277 киши турли ҳалокатлар туфайли нобуд бўлган.***

Китоб — содиқ дўст

## МИСРДАГИ «САЙРУ САЁҲАТЛАР»

*Пол Старки қаламига мансуб «Мисрдаги сайру саёҳатлар» китоби Британиянинг «Торис» нашриётида чоп этилган. Китоб Миср бўйлаб сайру саёҳатлар мажмуасидан иборат. Унда мамлакатда мавжуд осори-атиқалар ва улар қарор топган жойлар ҳақида батафсил маълумотлар келтирилади. Шу тариқа муаллиф Европа ва Яқин Шарқ, айниқса Миср ўртасидаги маданий алоқалар тарихи ҳамда бир қатор Яқин Шарқ мамлакатларидаги сайёҳлик масканларини ёритишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.*

## ОБИДАЛАР ТАЛҚИН ЭТИЛАДИ

*Буюк Британиядаги «Турист» нашриёти яқинда Байрон Шефер қаламига мансуб «Мисрнинг қадимий ибодатхоналари» номли китобни чоп этди. Унда қадимий Мисрдаги фирьавнлар даври обидалари ҳамда бошқа диққатга сазовор жойлар батафсил таҳлил ва талқин этилади.*

*Байрон Шефер кекса мисршунос олимлардан бири бўлиб, фирьавнлар даври тарихига оид бир қатор асарлар яратган. «Мисрнинг қадимий ибодатхоналари» китоби ҳам шулар жумласидандир.*

Ёмоннинг қилиғи ортиқ

# ҚОРА ГИРДОБ

Уғрини қароқчи урди деганлари шу бўлса керак. Қаюм таниши Шониёз орқали 80 минг сўм пулни қўлга киритди. Биров бунча пулни кўчадан топгандай қуруқдан қуруқ узатиб юборавермайди, албатта. Устама, фоиз, деган гап бор. Қаюм ҳам эски ҳамтовоғи Одил Темировга учрашди. Унинг тугунчасидаги пулларни кўргач оғзининг суви қочди. Унга тилла тақинчоқ ва наркотик моддалар олиб, кўп миқдорда пул ундиришини ҳам яшириб ўтирмади. Қаюм чақмоқ ургандек гангграб, қора гирдоб ичида қолди. Пул-пулни топадида. Вақтида отга қамчи урганни маъқул бўлмасми? Дарров эниб тушди.

Қаюмнинг қора куни ўшандан бошланди. На юриши, на туришида ҳаловат бор. Ахир, 80 мингни бир ой ичида 100 мингга айлантириб, қарздан қутулиш керак-да. Таниши Шониёз билан Тойир Арслоновникига пулга борганда, тилхат ҳам ёзиб қолдирганди. Мана иккинчи ойдирки Одилни кулбасига қатнайвериб товони қаварди. Охири бир қоп ёнғоқдай шалдираб Шониёзнинг ҳузурида пайдо бўлди. Бу орада Тойир Арслонов Шониёзнинг ҳовли эшигини тақиллатавериб безор қилган экан. Ловуллаб турган Шониёз:

— Қанақа эркаксан ўзи, — деди заҳрини сочиб.

— Пул йўқ, вайрон бўлдим, — дея жавоб қайтарди Қаюм лойхандақдан чиққандай бўшашиб.

— Кеча қариндошларимдан 100 минг йиғиб Тойирдан қарзингни уздим. Лафзингни лойга қорганинг учун менга ортиғи билан пул тўлайсан.

Бундан Қаюмнинг бошига гурзи тушгандай бўлди. Чуваланиб шоҳсупа четига ўтириб қолди. Вужуди ўт бўлиб ёнди. Аламзадалик қонини куйдирди. Нима қилиш керак? Қора қуюндай бу савол уни гирдобига олди. Беихтиёр иссиғида темирни босиш керак, деган ўй қалбини тилиб ўтди. У Шониёзга хайр-мазурни насия этиб, кўчага отилди. Аввал, у тўғри Косон туманида яшовчи Одил Темировникига равона бўлди. Аммо, Одилни уйидан тополмади. Сўнг, Муборак шаҳрига йўл олди. Тойир Арслоновнинг уйи подъездида пайдо бўлди. Хона эшигини тақиллатганда ичкаридан овоз бўлмади. У эшикни итарганди, очилиб кетди. Туйқусдан хонага бостириб кирди. Диванда ўйнаб ўтирган болага кўзи тушди. Авзойи бузилди. Шартта ёнида асраб юрган пичоқни қўлга олиб, болага ташланди. Бола кўкрагига санчилган тиғдан чинқирди. Аммо, Қаюм унинг оғзига кафтини қўйиб, дуч келган жойига аёвсиз тиғ урди. Бола ўз қонига бўялиб, ерга ағнади. Қутурган босқинчи из яшириш мақсадида бола жасадини балконга судраб чиқди ва тўғридаги тапчан остига улоқтирди.

Шу пайт эшикда 9 ёшли бола пайдо бўлди:

— Ў, Ғайрат, — деб акасини чақирди. Бироқ жавоб бўлмагач балкон тарафга юрди. Қаюмнинг рўпарасидан чиққан бола қўрқувдан довдираб қолди. Қутурган Қаюм қонли пичоғи тиғини бу гўдак кўксига ҳам қадади. Уни ҳам аёвсиз тиғлаб, жасадни чеккага улоқтирди. Сўнг, қўлига илашган ёнғоқ чаққич билан хонадаги сандиқ қулфини уриб бузди. Сандиқ ичини титкилаб чиқди. Қўлига ҳеч вақо илашмади. Аламидан Тойир Арслоновга тегишли бир дона кўйлакни ўмарди.

У мақсадига эришолмаганди. Шониёз берган пул ва ўзи ёзиб қолдирган тилхатни ўғирлаб, бўйнига тушган сиртмоқдан озод бўлмоқчи эди. Аммо, у икки гўдак — Ғайрат ва Шуҳратнинг умрига зомин бўлди. Қаюм уйда бирон киши бўлиб қаршилик кўрсатмасин, деган мақсадда ёнига ош пичоқни солиб олганди. Кўйлаги қонга ботгандан сўнг, Тойирга тегишли кўйлакни алмаштириб кийиб олади. Йўлда пичоқни дарёга улоқтиради, кўйлак енгига қон текканлиги учун узиб ёқиб юборади. Ўша куни тоғасиникига бориб озроқ пул олиб Шаҳрисабз шаҳрида яшовчи қариндошиникига қуёв бўлади. Икки кундан сўнг Косон шаҳридаги бекатда турганда милиция ходимлари уни тутиб олади.

Қаюм Кенжаев эндигина 25 ёшга қадам қўйганди. Бирон касбнинг этагидан тутмаган, иш деса том айланиб қочади. Муқаддам у икки марта ўғирлик содир этган.

Қаюм Кенжаев фирибгарликда ҳам устаси фаранг экан. Фуқаролар Рамазон Тўраев ва Ғофур Қурбоновлардан катта миқдорда пул олиб, ўзлаштириб кетади.

Ўхшатмасдан учратмас деганларидек, Одил Темиров ҳам бирни ўнгга урганлардан бўлиб чиқди. Қаюмнинг «марҳамати»дан қушдай учиб юрди. Ҳатто, унга ҳам тузоқ қўйиб, Тойир Арслоновдан тилхат орқали олган пулни туя кўрдингми йўқ қабилида ўзиники қилиб ўзлаштирди. Қаюм пулни талаб қилганда унинг қора қилмишини фош этаман, деб қўрқитишга тушди. Хуллас, Қаюм икки ўт орасида қолди. Дардини кимга ҳам тўкарди? Бу ёқда Шониёз пулни қайтаришни сўраб тинкасини қуритди. Бу ёқда Одил товламачи илондек ташланади. Охир-оқибат ўйланмай қилинган ҳаракат уни берк кўчага олиб борди.

Қотиллик 1997 йилнинг 21 апрель куни содир этилганди. Жиноят иссиғида фош бўлди. Ҳибсга олинган Қаюм Кенжаев ўзини оқ қилиб, чумолидай хасга бўлса-да ёпишди. Аммо, у адолат қаршисида қулбаччадек тиз чўкди. Аттанг-а, унинг уйланганига 5 ойдан ҳам ошмаганди. Унга нима етишмасди ўзи? Бурда нон, бир пиёла чой роҳати жон эмасмиди? Одил Темировнинг товламачилиги-чи? Ўз бошини еди. Агарда у ўз вақтида ҳуқуқ-тартибот идораларига мурожаат қилганда икки гўдакнинг ҳаёти асраб қолинмасмиди? Тойир Арслоновнинг пул ундиришиши ҳам қимматга тушди. Фоиз ҳисобида устама ҳақ олиш учун уринмаганда балки юқоридаги ҳолат — аччиқ бўлса-да ҳақиқат юз бермасмиди?

Қотил Қаюм Кенжаевга суд ҳукми билан ўлим жазоси тайинланди. Одил Темиров узоқ муддатга жиноий жазога тортилди. Улардаги заифлик ва шафқатсизлик ўзларини қора гирдоб қўйнига улоқтирди.

**Ўроз ҲАЙДАРОВ,**
**Қашқадарё вилояти ИИБ матбуот гуруҳи катта нозири, милиция капитани.**



АНҚАРА. С. ЗУФАРОВ (ЎзА) олган сурат.

"ТОШКЕНТМЕБЕЛЬ" ҳиссадорлик жамияти





**Ўзининг фирма дўкони орқали кенг турдаги мебель жиҳозлари:**

— ётоқхона учун мебеллар тўплами;
— кўп мақсадда ишлатиладиган идиш-товоқлар жавони;
— юмшоқ мебеллар тўплами;
— офис мебеллари;
— кийим-кечак шкафлари;
— кроват, тўшак ва банкеткаларни нақд пул ёки пул ўтказиш йўли билан

**СОТАДИ.**

Жиҳозлар 10 фоиз арзонлаштирилган нархда сотилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Магазин Мавзук кўчаси, 245-уй. 43-автобуснинг охирги бекати. Телефонлар: 48-68-89, 48-37-50.

Vatanni sevmak iymondandur!

# O'ZBEKISTON OVOZI

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1998 yil 22 yanvar, payshanba № 9 (22.246).

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan


# УЙҒОНАЁТГАН РУҲ

Янги йил кунлари телевидение, ҳарқалай, бизни қувонтирди. Бир мухлис сифатида «Ўзлик», туркий уруғлар туркумидан «Қарлуқлар», «Ғаройиб парвоз», «Янги йилнинг шарқона эртаги», «Ҳаёт рисоласи», « Ҳамма кўриши шарт... эмас», «Шеър ва шуур», «Иймон», «Ҳидоят сари» кўрсатувларини қониқиш билан томоша қилдим. Албатта, янги йил билан боғлиқ бутун дастурга баҳо бермоқчи эмасман. Кимгадир ёққан кўрсатув бошқа бир кишига ёқмаслиги ёки аксинча бўлиши табиий. Айтмоқчи бўлганим, телевидениемизда мустақил ижодий изланиш руҳи сезиларли даражада ошган. Янгича талқинлар, ечимлар, режиссура топилмалари кишини хурсанд қилади. Хусусан, «Янги йилнинг шарқона эртаги» ёки «Ғаройиб парвоз» менда шундай илиқ таассурот қолдирди.

Янги йил кўрсатувларида ёшларнинг овози баландроқ бўлди, десам, янглишмайман. Эҳтимол, уларнинг ҳамма изланишлари ҳам етарли даражада пухта, маромида эмасдир. Бундан ташвишга тушмаслик керак. Муҳими — янгиликка интилиш бор, изланиш бор. Ва, биз — эски қолипдаги анъанавий кўрсатувларга ўрганиб қолган «анъанавий томошабинлар» уларни тушунишимиз лозим. Бугун бироз тутилиб, ҳаяжонланиб турган ёшлар эртага ўз ишини пухта эгаллаб кетади. Биз етмаган манзилларга етишади.

«Ҳаёт рисоласи» кўрсатуви менга ҳар жиҳатдан маъқул бўлди, айни пайтда ўйлантириб ҳам қўйди. Албатта, яхши маънода. Бундан анча йиллар олдин ўзининг «Оила» кўрсатуви билан ҳаммамизга яхши таниш, маҳоратли тележурналист Замира Муқадирова бу гал кўрсатув моҳиятини очишга тамомила янгича ёндошган. Эътибор берган бўлсангиз, кўрсатув давомида «Суюнчи» ва «Келинлар қўзғолони» фильмларидан парчалар намойиш этилди. Баҳс мавзуи — замонавий келин, келинлик масаласи. Асли бу — жуда нозик масала. Қўшиқда куйланганидек, **«Ҳазиллашиб тортманг аста, рўмолини, ёр-ёр, келин бўлган билар, келин аҳволини, ёр-ёр».**

Хўш, замонавий, тарбияли, хушхулқ, одобли, шарм-ҳаёли келин қандай бўлиши керак? Шу маънода кўрсатув қатнашчилари аввалига «Суюнчи»даги Назокатнинг хулқини муҳокама этадилар. Жавоблар деярли бир хил бўлди — Назокат кўрслик қилиб тўғри қилмади. «Келинлар қўзғолони»даги кенжа келиннинг «хулқи»га келганда ҳам фикрлар деярли бир жойдан чиқди — янги келиннинг ҳарқалай, уйда гимнастика қилиб, тўс-тўполон чиқариши яхши эмас. Қайнонаси раъйига қарши бормаслиги керак эди.

## Мулоҳаза

Кўпчиликка маъқул бўлаётган «Келинлар ва куёвлар» кўрсатувида ҳам деярли шу ҳолни кузатдим. Ёши улғайган сари тобора «очилиб» бораётган Соат Шариповнинг «Бордию қайнонангиз нотўғри иш буюрсалар, сиз қандай йўл тутган бўлардингиз» мазмунидаги саволига чексиз бахтдан энтикиб турган гулгун келинчаклар деярли бир овоздан «Мен қайнонамни онамдек кўраман, у кишининг айтганлари бўлади» тарзида жавоб қайтаришди. Куёвлар ҳам келинлардан қолишмадилар: «Мен учун энг муҳими — онамнинг фикри...»

Бироpта келин «Албатта, қайнонани ҳурмат қилиш керак, аммо шундай ҳолат юз бериб қолса, шаштларини қайтармаган ҳолда фикримни тушунтиришга ҳаракат қиламан...» демади.

Бу яхшими ё ёмонми?

Бундан беш-олти йиллар аввал матбуотда, илмда яқин- ўтмишимизни «турғунлик йиллари» деб аташ расм бўлган эди. Ўшанда жамиятнинг узоқ йиллар мобайнидаги турғун ҳолатини, одамлар турмуш даражасининг ўсмаганлигини ФИКРСИЗЛИК, фикрдаги турғунлик, янада аниқроғи бизнинг Шўро мафкураси олдида мутлақ таслимлигимиз, унга беадоқ тобеълигимиз билан изоҳлаган эдик.

Мустақилликнинг азизлиги шундаки, у бизни энг аввало шу фикрсизлик ботқоғидан қутқарди, мустақил фикрлаш, ўзликни англаш, ўзликка қайтиш, иқтидору салоҳиятимизни тўла намоён этиш, ўз меҳнатинг натижаларидан баҳраманд бўлиш имконини берди.

Ҳозирги ёш авлодга Мустақиллик ва унга қандай эришганимиз тўғрисида сўйлаганимизда бир нарсага эътибор берайлик. Шўро даврида яккаю ягона ҳақиқат — Шўролар ҳақиқати эди, ягона тўғри йўл — коммунистлар йўли эди, ягона мақбул эътиқод — эътиқодсизлик, Худосизлик эди. Битта ягона душманни билардик — империализм, чириб бораётган капитализм. Яккаю ёлғиз адолат — бу юқорининг айтган сўзи, кўрсатган йўли, берган топшириғи эди. Бошқа ҳақиқат, бошқа адолат, бошқача йўл ва бошқача фикр йўқ эди ва бўлиши ҳам мумкин эмасди. Одамларнинг миясига айни шу нарса туну кун узлуксиз қуйиларди. Туну кун айни шу «ҳақиқат»ни тан олиш, эътироф этиш билан банд эдик. Шу қадар банд эдикки, бизга буни тиришиб-чираниб уқтираётган жамиятнинг ўзи ҳалокат ёқасида турганлиги билан ҳеч кимнинг иши йўқ эди.

Мустақиллик бизни энг аввало вужудимизга, шууримизга чирмовуқдай ёпишган шу ақидадан қутқарди, халос этди.

Фикр уйғонмас экан, фикр эркинликка чиқмас экан, жамият тараққиётга юз тутмайди. Албатта, уйғонаётган фикр хилма—хил, гоҳо мулоҳазали, баҳсли бўлади, бунинг ёмон жойи йўқ. Бу ҳам тараққиёт белгиси, ҳамиртуруши. Бугунги кунимизнинг катта бир ижтимоий реаллиги шундаки, ҳақиқат, тўғри йўл, тўғри ечимлар фақатгина баҳс-мунозараларда, соғлом тортишувларда юзага келади. Оммавий ахборот воситалари фаолиятига доир Олий Мажлисимиз томонидан қабул қилинаётган кўплаб қонунларда, инсон ҳуқуқларига доир ҳужжатларда бу нарса ўзининг аниқ ифодасини топган.

Тараққиётга, эзгуликка, миллат равнақига хизмат қиладиган, ғаразли мақсадлардан холи ҳар қандай мулоҳаза эътиборга молик. Уларни эшитмоқ, англамоқ, мағзини чақмоқ даркор.

**«Ислоҳотлар жараёнида республикамизда янги демократик сиёсий тузумнинг асослари яратилди, деб хулоса чиқариш мумкин»,** — деган эди Ислом Каримов Олий Мажлиснинг олтинчи сессиясида қилган докладида. — **Бу тузум сиёсий ташкилотларнинг, мафкура ва фикрларнинг турли-туманлиги асосига қурилган бўлиб, давлат ва жамиятни бошқаришда фуқароларнинг кенг иштирокини таъминлайди».** Худди шу маърузада йўлбошчимиз яна **«Халқнинг тарихий руҳи уйғонмоқда, маънавиятнинг кўзи очилмоқда, шу туфайли одамлар қалбида миллий ғурур, она-заминга меҳр-муҳаббат туйғулари камол топмоқда»**, деб ҳам таъкидлаган эди.

Шу ўринда масаланинг муҳим бир жиҳатига эътиборни қаратмоқ жоиз. Фикр уйғоқлиги ёки фикр эркинлиги билан ўринсиз жўшқинлик, ҳис-ҳаяжон ўртасига баробарлик аломатини қўйиб бўлмайди. Ҳар ишнинг ўзига яраша меъёри, одоблари бор. Меъёр қайси соҳада бўлмасин, бузилса, шубҳасиз жиддий муаммолар келиб чиқади. Ишқда меъёрга амал қилмаслик ошиқни Мажнунга, девонага айлантиради. Меъёр меҳнатда бузилса одам қулга, бойлик орттиришда — худбинга, мулозаматда — ялтоқига ўхшаб қолади. Меъёрга амал қилиш Ислом динимизда ҳам кўзда тутилган. Пайғамбаримиз Расули акрам **«Эй, инсонлар! Дин ишларида ҳаддан ошишликдан сақланинг. Сиздан аввалги умматларнинг ўлимига дин ишларидаги ҳаддан ошишликлари сабаб бўлди»** деб марҳамат қилганлар. Буни асло унутмаслигимиз керак.

Гоҳо ҳаддан зиёд жўшқинлашиб кетиш, ҳис-ҳаяжонларни жиловлай олмаслик ҳолларига ҳам дуч келамиз. Бундай пайтларда эркинлик ва демократияга тегишли ҳар қанча шиорлар ўртага ташланмасин, гап жамият ёки миллат манфаатлари устида эмас, шахсий мақсадлар, ноҳолис ниятлар устида бораётгани барибир сезилиб туради.

Телевидениемизда Янги йил кунлари берилган «Ҳаёт рисоласи» кўрсатувини мароқ билан томоша қилар эканман, дилимдан шу мулоҳазалар ўтди.

**Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ.**

*Спорт*

## ЁШЛАРГА УМИД БОҒЛАБ

Шу йил кузда ўсмир ва ёшлар ўртасида Осиё футбол чемпионатини ўтказиш мўлжалланмоқда. Ўсмирларнинг 37, ёшларнинг 39 терма жамоаси тўққизтадан гуруҳга бўлинди. Ўсмирларимиз олтинчи гуруҳда Ироқ, Мальдив, Бутан жамоалари билан саралаш ўйинларини ўтказсалар, ёшларимиз тўртинчи гуруҳда Ироқ, Непал, Туркманистон, КХДР футболчилари билан куч синашадилар.

## ҚАЙНОТАНГДАН ЎРГИЛДИМ...

Футбол қироли Пеле Бразилия футбол федерацияси президенти Рикардо Тейшейра билан келишолмай қолди. Қиролга президентнинг «йўлини топиб» телевидениедан катта даромад кўргани маъқул келмаган. Унинг назарида бундай ножўя ҳаракат Бразилия футболи ривожига путур етказади. Энг ёмони Пелега хос одиллик ФИФА президенти Жоао Авеланжда норозилик уйғотди. Бу билан у қайинота сифатида куёви Тейшейрага хайрихоҳлигини намойиш этди. Энди «ота-бола» Пелега қасдлашишмоқда. Чунончи, қиролни йирик футбол анжуманлари, халқаро учрашувлардан бенасиб қилишмоқда. Фақат Мишель Платинининг илтимоси билан жаҳон чемпионати финалчилари ўртасида ўтказилган қуръа ташлаш маросимида иштирок этиш насиб этди. Зеро, қирол парламентда «Пеле қонуни»ни тасдиқлатиб олган.

# БОРИНИ АСРАБ-АВАЙЛАБ, ЙЎҒИНИ ҚИДИРИБ ТОПИШЯПТИ

Ўтган йилнинг ноябрь ойида йўлимиз Сурхондарё вилоятига тушиб, Термизда: «Вилоятнинг қайси туманида саноат яхши ривожланган»,деб сўраганимизда, кўпчилик «Жарқўрғонда-да» дейишди. Ниҳоят, шу тумандаги «Сурхонтекстиль» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятида бўлганимизда бунга амин бўлдик. Бир вақтлар Жарқўрғон ипйигирув корхонаси номи билан юритилган мазкур жамоа 1994 йилдан буён ҳиссадорлик жамияти, дея юритилади.

Унчалар катта бўлмаган туман марказининг бир четида «Сурхонтекстиль» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти жойлашган. Рўпараси пахта майдони. Мазкур ҳиссадорлик жамиятига кирибоқ, ўзгача иш юритиш шарт-шароитига дуч келасиз. Атрофи замонавий бино ва безакли ғиштлар билан ўралган. Ички томони гулзор, чиройли йўлакчалар орқали цехларга кирилади. Шу ерда ҳиссадорлик жамиятининг раиси Ёқубжон Маҳмудовга дуч келдик. У бизни хизмат хонасига бошлади. Идорада ҳам миллийлик сақланиб қолган.

Ҳозирда ҳиссадорлар ип-йигирув ҳамда тўқув ишларини бажаришади. Йигирув цехида 1400 тонна атрофида калава ип ишлаб чиқарилса, тўқув цехида 8 миллион метрга яқин дока ишлаб чиқарилади. Тайёрланаётган калава иплар жаҳон андозаларига тўла мос келади. Корхонада 2 мингга яқин шу ерлик йигит-қизлар ишлайди. Уларнинг асосий қисми қишлоқлардан қатнаётган ёшлар. Иш икки сменада ташкил этилган бўлиб, бозор иқтисодиётининг оғир жараёнлари эндиликда ортда қолди.

Цехларни айланганимизда ҳиссадорларнинг асосини ёшлар ташкил этишининг гувоҳи бўлдик. Шу боис «Ёшлар билан ишлаш осонми? «, — дея Ёқубжон акага юзландик.

— Албатта, — дейди жамият раиси. — Жамоамизнинг тўқсон фоизи ёшлар. Саксон беш фоизи хотин-қизлар.

— Шунинг учун ҳам ҳамма ерга гул эккан экансиз-да, — ҳазиломуз сўраймиз.

— Гулни ҳаммадан кўра ўзим жуда яхши кўраман, — дейди Ёқубжон ака. — Гул нафақат гўзаллик рамзи, у кайфиятни кўтаради. Демак, ишда унум бўлади.

Дарҳақиқат, ҳиссадорларнинг ўртача ойлиги 5200 сўмни ташкил этади. Йил якунида эса яхшигина дивидент олишаётир. Шу боис ҳам корхонада ишлашни хоҳловчилар сони кўп. Аммо, ҳозирча минглаб жарқўрғонлик ёшларга иш жойи ташкил этиш қийин. Лекин, бунга эришиш, шу мақсад сари интилишдан раҳбар бир кун ҳам тингани йўқ.

— Вилоятимизнинг Узун туманидаги пахта тозалаш заводи қошида нотўқима материаллар корхонасининг ташкил этилиши ва Бойсундаги «Ишонч» ҳиссадорлик жамияти қошида худди шундай корхона очилишида ҳиссамиз оз эмас. Бундан ташқари, Швейцариянинг «Рейтер» фирмаси билан ҳамкорлик қиляпмиз. Яқин келажакда қўшма корхона ташкил этиб, беш юздан ортиқ шу ерлик ёшларни иш билан таъминлаймиз, — дейди жамият раиси.

## Ислоҳот ва масъулият

Ҳиссадорлар цехлардаги эскирган тўқимачилик ва йигирув ускуналари ўрнига шовқинсиз ишлайдиган хорижий ускуналарни ўрнатмоқда. Эски ускуналар ҳам ташлаб юборилаётгани йўқ. Бевосита ҳиссадорлик жамияти раиси ва муҳандисларнинг саъй-ҳаракати билан юқоридагидек қўшни туманларда кичик корхоналар ташкил этилаётган экан. Бу орқали у ерда ҳам 250-300 ишчи кучи ишлайдиган янги корхоналар бунёд этиляпти. Иш билганга минг танга, деганлари шу бўлса керакда. Жамият аъзолари орасида илғорлар кўп. Айниқса, Муяссар Ҳайдарованинг қувончи чексиз. У Мустақиллигимизнинг 6 йиллиги тўйи муносабати билан «Шуҳрат» ордени нишондори бўлганлигидан қувончларга тўлиб шундай дейди:

— Тўғриси, меҳнат орқали обрў топиш мумкинлигини ўз ҳаётим мисолида кўрдим ва ғайратим яна ошди. Қисқа давр — уч йил ичида катта жамоамиз сафида ҳурмат-эътибор топганимдан бахтлиман.

Суҳбатимизга бош муҳандис Жумадулла Худойбердиев қўшилди. Ёш, кўринишидан ғайратли бош муҳандис маҳсулотларнинг сифатлилиги, ҳиссадорлар учун ётоқхона мавжудлиги, болалар боғчаси ишлаб турганлиги, қишлоқдан қатнаётганларга автобус борлиги, маданий-маиший хизмат турлари ишлаётганлигини гапириб берди.

Булар лоф гаплар эмас. Ҳатто иқтисодчи ва ҳисобчилар барча юмушларини замонавий компьютерларда бажаришади. Ҳеч кимнинг бекор ўтирганини кўрмайсиз. Кенг, ёруғ цехларда нормадаги температура бор. Қайноқ меҳнат ҳукмрон. Маҳсулотлар — Чехия, Польша ва Словакия каби хорижий давлатларга экспорт қилинмоқда.

Биз ҳаммадан ҳам кўра кўпроқ гулни ва ёшлар билан ишлашни ёқтирадиган Ёқубжон акадан: «Илгари қаерда ишлагансиз», — дея сўрадик.

— Жарқўрғонда туғилдим. Шу ерда улғайдим. Сўнг, Тошкент Давлат политехника институтида ўқидим. Кечкида ўқиб, кундузи «Главташкентстрой»да ишладим. Оддий қурувчиликдан тортиб бригадир, участка бошлиғи, хуллас, барча поғоналарни босиб ўтдим. Ўн йилдирки, шу жамоада раҳбарман...

Хуллас, шундай. Раҳбарнинг замонга мос ва баъзан олдинроқ ҳаракатда эканлигини «Сурхонтекстиль»да бўлиб кўрдик. Аммо, бу бари эмас. Ёқубжон ака энди 45 ёшга тўлибди. Демак, қирчиллама ёшда, у кишининг иши ва сўзларида ҳам шу навқиронлик акс этиб тургандай бўлди.

**Эркин ЭСИРГАДИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози»**
**махсус мухбири.**



***ТАҲРИРИЯТДАН: мақола саҳифаланаётганда Сурхондарё вилоятидан хушхабар келди. «Сурхонтекстиль» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти раиси Ёқубжон Маҳмудов Жарқўрғон тумани ҳокими этиб тайинланибди. Бош муҳандис Жумадулла Худойбердиевни ҳиссадорлар бир овоздан жамият раиси этиб сайлашибди. Ҳар икки раҳбарга янги вазифани бажаришда омад, соғлиқ ва куч-қувват тилаймиз.***



ҚИШ СУРУРИ.

Абдулғани ЖУМА олган сурат.

## ТОПҚИРНОМА

Биз кўплаб буюмлардан фойдаланамизу, лекин уларнинг ким томонидан, қаерда ва қачон ихтиро этилганлиги ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаймиз. «Буни ким ихтиро этган» саволига қуйида ҳавола этилаётган ихтирочилар рўйхатидан тўғри жавоб топишга бир уриниб кўринг.

*1. Велосипед*
*2. Электровентелятор*
*3. Микроскоп*
*4. Мотоцикль*
*5. Фотография*
*6. Пианино*
*7. Аккумулятор*
*8. Электр соқол олгич*
*9. Телескоп*
*10, Затёжка-молния*
*11. Хронометр*
*12. Шарикли ручка*

*Танлов учун вариантлар*

*а) италиялик Кристофори, 1709 йилда;*
*б) немис Даймлер, 1885 йилда;*
*в) италиялик Галилей, 1609 йилда;*
*г) венгер Биро, 1938 йилда;*
*д) инглиз Скарлей, 1887 йилда;*
*е) француз Планше, 1859 йилда;*
*ж) америкалик Жадсон, 1891 йилда;*
*з) америкалик Вилер, 1887 йилда;*
*и) инглиз Гаррисон, 1761 йилда;*
*й) инглиз Табольт ва француз Дагерр, 1835 йилда;*
*к) голланд Йенсен, 1590 йилда;*
*л) америкалик Шик 1917 йилда.*

**ЖАВОБЛАР:**

1-д; 2-з; 3-к; 4-б; 5-й; 6-а; 7-е; 8-л; 9-в; 10-ж; 11-и; 12-г.

**Алишер РЎЗИЕВ тайёрлади.**

## «ҚЎЛБОЛА» МАСЛАҲАТЛАР

Белингиз шамоллаб оғриқ пайдо бўлса, дўхтирга мурожаат қилишга асло шошилманг. Ётиш олдидан ваннада ярим соат давомида иссиқ сув билан белингизни ювинг. Шу вақтда 2-3 дона «Хон» сигаретасини тутатишни ҳам унутманг. Шундан кейин бўлса 100, бўлмаса иккита 50 долларликни белингизга қўйинг. Онангиз ёки бувингизнинг эски рўмоли билан белингизни маҳкам боғлаб, иссиқ ўринда ётсангиз, эрталабгача тузалиб кетасиз.

***

Агар озиб, «фигурангиз» чиройли бўлишини истасангиз, дорихоналардан малҳам изламанг. Ҳозир нима кўп — сомса сотувчи кўп. Ёзнинг «қирчиллама» иссиғида селитранинг зўри билан етиштирилган пиёздан тайёрланган сомсалардан ҳар куни тўрттадан пақкос туширсангиз, бир ҳафтадаёқ чўпдай озиб «походкангиз» гўзаллашади.

***

«Чархий» фирмамиз қизлар ва аёллар учун яна бир қулайлик яратди. Агар қошингизни термоқчи бўлсангиз, бизга мурожаат қилинг. Сизларнинг талаб-эҳтиёжингизни ҳисобга олиб, қош терадиган арзон ва қулай ўроқ яратдик. Унинг афзаллиги шундаки, вақтингиз беҳуда сарфланмайди. У қошингизни бир зумдаёқ ёппасига «супуриб» ташлайди.

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ.**

1-Тошкент Давлат Тиббиёт олийгоҳи томонидан 1996 йилда Шуҳрат Маматқулович МАЛЛАЕВ номига 215-рақамли диплом ўрнига берилган маълумотнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**


**Бош муҳаррир**
**Азим СУЮН**

**Таҳрир ҳайъати**

Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ — (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)

**ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ**
**ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА**

**МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ**

**БЎЛИМЛАР:**

*Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.*
*Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-11-49, 136-54-06.*
*Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.*
*Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.*
*Хатлар ва оммавий ишлар — 133-76-04.*
*Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.*
*Халқаро ҳаёт — 133-20-36.*
*Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.*
*Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.*
*факс— 133-38-55, 133-54-55*

**ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:**

*Андижонда — 24-16-48;*
*Бухорода — 23-80-06;*
*Гулистонда — 25-16-22;*
*Жиззахда — 3-31-86;*
*Навоийда — 3-39-20;*
*Наманганда — 6-43-43;*
*Нукусда — 7-58-83;*
*Каттақўрғонда — 5-33-46;*
*Тошкентда — 133-76-04;*
*Урганчда — 6-51-35;*
*Фарғонада — 24-54-61;*
*Қаршида — 3-25-79;*
*Қумқўрғонда — 5-26-24.*

**МАНЗИЛИМИЗ:**

**700000. ТОШКЕНТ. МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.**

**«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.**

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

*Навбатчи муҳаррир Ҳ. ИКРОМОВ, навбатчи М. ҚИЁМОВ.*

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида, А—2 форматида, 32021 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ



«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.



Г — 0887

*Босишга топшириш вақти — 21.00.*
*Топширилди — 22.00.*
*1 2 3 4 5 6.*

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА